O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 31-yanvar • Payshanba • 14 (27.819) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Биз фарзандларимизнинг баркамол руҳий дунёси учун, уларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, жисмонан соғлом бўлиши учун доимо қайғуришимиз, курашмоғимиз зарур.»

2008 йил — Ёшлар йили

Бугунги кун — эртанинг бошланиши

— дея алоҳида таъкидланди ЎзХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан ўтказилган давра суҳбатида

Кундалик ҳаётимиз, маҳалла-кўй, қўни-қўшниларга разм солайлик. Қайси оила фарзандига тўғри тарбия берса, эркин фикрлайдиган, одобли, илмли, доно қилиб тарбияласа, унинг камолга етиши учун ҳар жиҳатдан кўмаклашса, шу сулоланинг маҳаллада ҳам, эл-юртда ҳам ҳурмати баланд, жамиятда ўз ўрни бўлади. Бу — ҳаёт ҳақиқати. Бугун мамлакатимиз миқёсида ушбу долзарб масалага ана шу нуқтаи назардан ёндашилаётганига барчамиз гувоҳмиз. Эртанги кун эгалари бўлмиш ёш авлодга яратилаётган шарт-шароит ва имкониятлар ҳақида қанча сўзласак, оз. Мамлакатимиз Бош Қомусининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Юртбошимиз 2008 йилни Ёшлар йили, деб номлашни таклиф этганларида муҳташам «Туркистон» саройини йиғилганларнинг ҳаяжонли олқишлари тутиб кетди. Бу ҳам бежиз эмас эди. Чунки Президентимиз барча халқимизнинг, айниқса, ёшларимизнинг кўнгилларидаги даъватни ўртага ташлаган эдилар.

Маърузада алоҳида таъкидланганидек, мамлакатимизда 30 ёшгача бўлган ёшлар 17 миллиондан кўпроқни ёки умумий аҳолининг 64 фоизини ташкил этишини назарда тутадиган бўлсак, уларнинг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва нуфузи салмоқли эканлиги аён бўлади. Шу маънода давлатимиз томонидан ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик борасидаги хайрли ишлар кўлами ҳам кенглиги эътироф этмоққа лойиқдир.

2-бет

Яхшиликнинг мукофоти — яхшиликдир

Саховатпешаликни бурч деб билган 2

чироқчилик ЎзХДП фаоллари ота-бола ПИРНАЗАРОВЛАР ҳақида сўз

Бу гапларимни, укажон, мақтаниш учун сизга айтмаяпман. Шулар ҳам ўзимизни болаларимиз-ку! Уларнинг айби нима? Сиз, биз, ҳаммамиз томошабин бўлиб ўтирсак, тақдири не кечади?

Кечагина банкротликка юз тутган фабрика 3

бугун маҳсулот ишлаб чиқаришда мамлакатда етакчиликка даъвогар

Янги раҳбар ўзи тузган дастур билан вилоят ҳокимига кирди. Кредит масаласида кўмак сўради. Атига 2 йилдаёқ фабрикани боши берк кўчадан олиб чиқишга ваъда берди.

Аббос АТОЕВ: Рингда чемпионлар учун имтиёзлар йўқ! 4

Аслида олимпиадада кучсизлар қатнашмайди. Шу боис, ҳозир аниқ бир нарса дейиш қийин. Менимча, медаллар учун кураш асосан Россия, АҚШ, Куба, Украина, Франция, Қозоғистон, шунингдек, мамлакатимиз боксчилари ўртасида кечади.

Фракция фаолияти

Суғурта бозорида янги йўналиш

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди

Фракция аъзолари Қонунчилик палатаси муҳокамасига биринчи ўқишда киритилаётган «Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Мазкур масала юзасидан Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси Анвар Шукуров маъруза қилди.

Қонун лойиҳаси «Аҳоли ва ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида», «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида», «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Қонунлар асосида ишлаб чиқилган. Мазкур қонуннинг мақсади қутқарув хизматлари фаолиятини ташкил этиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, шунингдек, фавқулодда вазиятларни бартараф этишда иштирок этувчи қутқарувчилар, уларнинг оила аъзолари ва бошқа фуқароларнинг ҳуқуқий, ижтимоий муҳофазаси юзасидан давлат сиёсати асосларини белгилашдан иборат.

Қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги қутқарув хизматлари, тузилмаларини ташкил этиш тартиби, уларни шаҳодатлаш ва рўйхатдан ўтказиш ҳамда бошқа қатор масалалар белгиланган.

Биринчи ўқишда муҳокамага киритилаётган «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди. Ушбу масала бўйича Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси Бахтиёр Соатов сўзга чиқди.

Мамлакатимиз ижтимоий бозор тизимидаги демократик давлат сифатида ривожланиб бормоқда. Бозор муносабатларига асосланган иқтисодиёт шаклланди. У фуқароларга кексайганда, меҳнат қобилияти, боқувчисини йўқотганда ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқини тўлиқ амалга ошириш имконини беради. Мазкур лойиҳанинг асосий ғояси фуқароларга ўз меҳнат вазифаларини бажариш чоғида ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни ундириш ҳуқуқини кафолатлайдиган қонунчилик базасини мустаҳкамлаш, ходимнинг ҳаёти ва соғлигига етказилган зарарни ундириш бўйича ҳуқуқини амалга оширишга кўмаклашиш, мазкур зарарни қоплаш билан боғлиқ иш берувчининг мулкий манфаатларини ҳимоя қилишдир. Ҳужжат иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш соҳасида келиб чиқадиган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солади ҳамда мажбурий суғуртани амалга оширишнинг ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий асосларини белгилайди.

Фракция аъзолари мазкур ҳужжат Ўзбекистон Халқ демократик партияси электорати манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга эканини, суғурта бозоридаги янги йўналишни ҳуқуқий тартибга солаётганини таъкидладилар. Лойиҳани биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан маъқуллаб, ундан кўпгина ноаниқликларни бартараф этиш, тўлдириш ва такомиллаштириш зарурлигини билдирдилар. ЎзХДП депутатларининг фикрича, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаган суғурта ташкилоти инқирозга учраганда икки томонлама имзоланган шартноманинг бажарилишини кафолатлаш масаласи аниқ кўрсатилмаган. Қонуннинг мақсадига биноан лойиҳада нафақат ходим, балки иш берувчининг ҳам манфаати ҳимояланаётгани тўлиқ очиб берилмаган. Бошқа яна кўплаб камчиликларни аниқ кўрсатиб бериш, лойиҳани такомиллаштириш устида ишлаш, йиғилишда билдирилган фикрларни ўрганиш ва фракциянинг таклифларини тайёрлаш мақсадида ЎзХДП депутатлари орасидан ишчи гуруҳи тузилди.

Йиғилишда, шунингдек, фракция ваколатларига оид бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди ва фракциянинг нуқтаи назари ишлаб чиқилди.

(Ўз мухбиримиз)

Ҳамкорлик имкониятлари

Қарши туманида ташкил этилган «Temur-Chin» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонасига бир кеча-кундузда 3 минг 800 дона шифер ишлаб чиқариш қувватига эга замонавий технология ўрнатилди.

Хитойдан келтирилган замонавий ускуналар маҳаллий хомашёдан турли рангдаги шифер тайёрлаш имконини беради. «Бешкент шифер» масъулияти чекланган жамият ва Хитой Халқ Республикасидаги «Nigar» компанияси томонидан таъсис этилган мазкур корхонада янги технология билан ишловчи ёш кадрлар қайта ўқитилмоқда.

— Ҳозир вилоятга келтирилаётган шифер баҳосининг қарийб 15 фоизи транспорт харажатлари ҳисобига тўғри келади, — дейди қўшма корхона таъсисчиларидан бири, тадбиркор Аюбхон Раҳмонов. — Янги линиянинг ишга туширилиши ушбу қурилиш материалининг арзонлашувини таъминлайди. Бундан ташқари, қўшма корхонада жорий йилда яна бир замонавий қурилиш материали — ламинация қилинган пол қопламалари ишлаб чиқариш мўлжалланяпти. Ушбу лойиҳага кўра ойига 60 минг квадрат метр қалинлиги 8-12 миллиметрли қирққа яқин турдаги ламинат пол қопламалари ишлаб чиқарилади ва истеъмолчиларга етказиб берилади.

Қўшма корхонада маҳаллий кадрлар учун юзга яқин иш ўрни яратилди. Айни пайтда шижоатли, янгиликка интилувчан ёшлар танлов асосида ишга қабул қилинмоқда.

А. МУҲАММАДИЕВ, ЎзА мухбири

Фармон ва ижро

Касаначилар миннатдор

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2006 йил 5 январда қабул қилинган «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони мамлакатимизда аҳолини ишлаб чиқаришга кенг жалб этиш ва шу орқали касаначиликни ривожлантиришда муҳим омил бўлаётир.

Тошкент шаҳрининг Чилонзор тумани Бандликка кўмаклашувчи марказидан маълум қилишларича, ўтган йили туманда тўққиз юздан ортиқ киши уй меҳнатига жалб этилган. Уларнинг юздан ортиғи «Совпластитал» Ўзбекистон — Италия, «Абдулпласт» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхоналари ҳамда «Автотеххизмат» очиқ акциядорлик жамиятида меҳнат қилмоқда.

— Пластмассадан турли хил идишлар ясаб, уларга тайёр маҳсулотларни жойлаймиз, — дейди «Абдулпласт» қўшма корхонаси касаначиси Саодат Маҳкамова. — Бундан ташқари, пластмассадан ишлаб чиқарилаётган товарларга ҳам ишлов берамиз. Уйда ўтириб, рўзғор ишлари, фарзанд тарбиясидан ташқари бундай ишлар билан банд бўлиш жуда фойда бермоқда.

Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасидан олинган маълумотларга кўра, ўтган йили минглаб фуқаролар касаначилик асосида ишга жойлаштирилган. Айни пайтда бу борадаги ишлар изчил давом этмоқда.

Х. САЛИМОВ, ЎзА мухбири

Яхшиликнинг мукофоти — яхшиликдир

Саховатпешаликни бурч деб билган

чироқчилик ЎзХДП фаоллари ота-бола ПИРНАЗАРОВЛАР ҳақида сўз

Сайдулла ака 70-80-йилларда манаман деган давраларни титратган машҳур полвон. Кураги ерга тегмай яктагини шогирдларига тутқазгани ҳақида ҳали-ҳали қашқадарёлик алплар орасида гап юришиям бежизмас. Негаки полвонлик обрўсини пул-бойликка алмаштирмагани учун ҳам ҳамон қаерга бориб қолса, тўрдан жой кўрсатишади. Ёки вилоятнинг қай бир жойида каттароқ кураш бўлса, уйига келиб: «Энди полвон бува, ўзингиз бош бўлиб тўйимизни қизитиб, ўтказиб берасиз-да», дея атайлаб айтиб кетишади. Икки кам олтмишга бораётган Сайдулла ака бугунги кунда вилоят ўрмон хўжалиги бошқармасида бўлим бошлиғи бўлиб ишлайди. Партиямизнинг фидойи фаолларидан бири.

Полвоннинг катта ўғли Фозилжон эса бугунги давр таъбири билан айтганда, ҳақиқий ишбилармон. Биринчи касби олий маълумотли агроном. Айни пайтда эса иқтисодчилик дипломини олиш арафасида. Жуда кўп хайрли ишларга бош-қош бўлаётгани учун ёшлардан тортиб, катталаргача «савобталаб фермер» дея мақташади. Чунки айнан Фозилжоннинг саъй-ҳаракатлари туфайли бугунги кунда туманнинг ўзида юзга яқин иш ўринлари очилган. У ҳам ЎзХДПнинг энг жонкуяр аъзоларидан бири. Турли хил тадбирларни ўтказишда бошқаларга намуна бўлаяпти.

Сезиб турибмиз, кўнглингиздан бир савол ўтаётир: у ҳам бўлса, хўш, сизлар таърифини келтираётган ота-боланинг каромати не экан?

2-бет

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА «ОЛТИН ҚАЛАМ» III МИЛЛИЙ МУКОФОТИ

Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадида «Олтин қалам» халқаро танловини ўтказади.

Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишлаб ўтказиладиган бу танловга 2007 йилнинг 31 мартидан 2008 йилнинг 31 мартигача — бир йил давомида газета ва журналларда босилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган материаллар 2008 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:

Журналистика соҳасида бош миллий мукофот. Ғолиб махсус диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баравари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

2-бет

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

Энг намунали

милиция таянч пунктлари аниқланди

Суратда: кўрик-танловда биринчи ҳудуд бўйича ғолиб бўлган Самарқанд шаҳридаги «Мир Саид Барака» маҳалласидаги 14-сонли милиция таянч пункти профилактика инспектори, лейтенант Зафар Воҳидов (чапдан биринчи) ҳамкасблари ва маҳалла қўмитаси раиси Суннат Кубаев билан.

М.АМИН (ЎзА) олган сурат.

2-бет

2008 йил – Ёшлар йили

Бугунги кун – эртанинг бошланиши

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳам ёшлар билан ишлашда ўз дастурий йўналишига эга. ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти ташкил этилиб, барча минтақалар, туман, шаҳарларда унинг фаолияти йўлга қўйилган. Партиянинг бу борадаги ишлари марказидан ёш йигит-қизларнинг мафкуравий қарашларини мустаҳкамлаш орқали уларда Ватанга муҳаббат туйғусини мустаҳкамлаш, фуқаролик фаоллигини ошириш, ҳуқуқий билимлари ва маданиятини юксалтириш масалалари ўрин олган. Айниқса, ижтимоий ҳимоя-га муҳтож ёшлар, ёш оилалар ҳамда талабалар манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш масалаларига эътибор катта.

Шу боис, ЎзХДПда йўлга қўйилган сиёсий ва фуқаролик маърифати тизими доирасида партия Марказий Кенгаши томонидан «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Маънавият ва маърифат марказида ўтказилган давра суҳбати «Ёшлар — халқимиз, Ватанимиз келажаги, бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи» мавзуига бағишланди. Давра суҳбатида ЎзХДП Марказий Кенгаши аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Тошкент шаҳар ва вилоятидан партиянинг ёш фаоллари, Марказий Кенгаш экспертлари иштирок этдилар. Унда 2008 йил — Ёшлар йили деб эълон қилинишининг аҳамияти, Юртбошимиз маърузасида қўйилган устувор масалаларни бажаришда партия ташкилотлари, «Истиқбол» ёшлар қанотининг вазифалари хусусида сўз юритилди, ушбу йилнинг моҳияти ҳақида фикр алмашилди.

Шарбат АБДУЛЛАЕВА, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ҳузуридаги сиёсий семинар доирасида ёшлар мавзуининг муҳокама қилиниши айни пайтда долзарб ва алоҳида аҳамиятга эга. Муҳими, бу тадбирда ёшлар фаол иштирок этиб, ўртага ташланган масалалар юзасидан ўз фикрларини билдирадилар, позицияларини маълум қиладилар.

Яна бир жиҳати шундаки, мамлакатимиз давлат мустақиллигига эришган дастлабки йиллардаёқ ёшлар манфаатларини ифода этиш, уларга шарт-шароит яратиш борасида бир қатор қонун ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Мақсадимиз ушбу ҳужжатларнинг моҳиятини ёшларга кенг тушунтириш, улар орқали эришилган ютуқларни таҳлил этиш ва Ёшлар йилидаги янги вазифаларни муҳокама қилишдир.

Ёшлар масалалари Ўзбекистон ХДПнинг доимо диққат марказида. Партия Дастурида ёшлар масалаларига катта ўрин берилган. Шунингдек, ёшларнинг ўқиши, касб-ҳунар эгаллаши, мутахассислиги бўйича ишлаши, давлат ва жамиятни бошқаришда иштирок этиши, оила қуриши каби муаммоларга партиямиз ёндашувларида баён этилган ва бу соҳадаги устувор вазифалар белгиланган. Бироқ энди бу борада олдимизга янги вазифалар қўйилаяпти. Президентимиз Конституциямизнинг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида «Ўз-ўзидан аёнки, аҳолининг аксарият қисмини ташкил этадиган ёшларимизнинг ҳалибери ечилмаган муаммоларига эътиборимизни жалб этиш, уларни ҳаётимизда ҳақиқатан ҳам ҳал қилувчи кучга айлантириш масаласи жамоатчилигимизнинг диққат марказида туриши шарт», — дея алоҳида таъкидлаб ўтди. Шу вазифаларни тушунтириш, уларнинг ечими ҳақида фикрлашиш, бунда депутатлар, партия фаоллари, ёшлар вакилларининг қизғин иштирок этиши учун сиёсий ва фуқаролик маърифати тизими доирасидаги бугунги тадбирда ушбу мавзу кўтарилди.

Гулруҳ АЪЗАМОВА, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари:

— Ёшлар йилида Ўзбекистон Халқ демократик партияси «Истиқбол» ёшлар қанотига катта ва масъулиятли вазифалар юкланади. Ҳозирда «Истиқбол» ёшлар қаноти 18 дан 30 ёшгача бўлган партия аъзолари ва партия ғояларига хайрихоҳ 90 минг нафарга яқин ёшни бирлаштиради. Шу муносабат билан партиянинг жойлардаги Жамоатчилик қабулхоналари қошида «Ёшлар ҳуқуқий маслаҳатхонаси», «Ёшлар жамоатчилик палатаси»ни ташкил этиш ташаббусларига ва партиянинг нашрлари орқали ёшларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор берилиши режалаштирилган.

Шу билан бирга, Ёшлар йилининг оилада, жамиятда қандай тарбияланиб, катта ҳаётга қай йўсинда қадам қўйиши мамлакат келажаги учун дахлдорлигидир. Маълумки, 1997 йили Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури қабул қилинган эди. Бу ёш мустақил давлатимиз, ярмидан ортиғини ёшлар ташкил этган халқимиз учун катта аҳамиятга эга бўлди. Унга мувофиқ кадрлар тайёрлашнинг босқичма-босқичли тизими яратилди ва айтиш мумкинки, ҳозирданоқ унинг илк ижобий натижалари ёшларимиз да қўйилган долзарб вазифалардан келиб чиқиб, демократик жамият қуриш йўлидаги кенг кўламли ва мураккаб вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган янги авлод кадрлари захирасини шакллантириш, ёш авлод манфаатларини таъминлашни кучайтиришга қаратилган ҳуқуқий асосни янада мустаҳкамлаш, амалдаги қонун ҳужжатларини бугунги кун талаблари нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш юзасидан таклифлар бериш, узоқ қишлоқлар, кичик шаҳарларда истиқомат қилаётган ёшларни иш билан таъминлаш юзасидан таҳлилий маълумотлар тўплаш ва натижаси бўйича ижро органлари, депутатлик гуруҳларига таклиф киритиш, ёшлар орасидан етакчиликка хайрихоҳларни танлаб олиш ва уларнинг сиёсий билимларини ошириб боришни янада кучайтириш талаб этилаяпти. Жорий йилги ишларимизнинг мазмунини ана шуларга йўналтирамиз.

Боймурод ЮСУПОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Ёшлар масаласининг долзарблиги шундаки, ҳар бир ёш эришаётган ютуқлар мисолида яққол кўзга ташланмоқда. Ҳозир биз бу жараённинг янги босқичига кўтарилдик. Ёшларнинг дунёқараши, фикрлаш тарзи, умуман халқимизнинг ҳаётга муносабати ўзгарди. Ана шулар ҳисобга олиниб, айни пайтда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига «Таълим тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамага киритилди. Бу қонун ўсиб келаётган ёш авлоднинг муносиб таълим-тарбия олишини таъминлаш борасида янада кенг имкониятлар яратишга хизмат қилади.

Умуман, баркамол авлодни тарбиялаш борасида давлат томонидан яратиб берилган имкониятлар — бу масаланинг бир томони. Иккинчи томони эса азиз ёшлар, сизнинг ўз қўлингизда. Сиз «XXI аср ёшлари», «Ота-боболаримизнинг муносиб авлоди» деган номга жавоб бериш учун астойдил интилишингиз керак. Давлат ва жамоатчилик эса сизнинг бу интилишларингизни ҳар доим қўллаб-қувватлашга тайёр. Бундан ўз вақтида фойдаланиш зарур.

Сайёра ДЕҲҚОНОВА, ЎзХДП Чилонзор туман кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси:

— Эзгу мақсадимиз юртимизда фуқаролик жамиятини барпо этиш экани ҳеч кимга сир эмас. Бундай юксак натижага эришиш учун ёшларнинг фаоллигини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Бу йил бизга берилаётган жуда катта эътибор ва ғамхўрликдан фойдаланиб, нафақат кўзлаган мақсадларимиз сари дадил ҳаракат қиламиз, балки Ватан равнақи, юрт ободлиги ва турмуш фаровонлиги йўлидаги халқимиз саъй-ҳаракатига муносиб ҳисса қўшамиз. Шунинг учун биз бу ишончни ўзимиз учун жуда катта масъулият, деб қабул қилишимиз шарт. Айниқса, партиямизнинг ёш фаоллари, «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчилари ва аъзолари бу борада ўрнак кўрсатишимиз лозим, деб ўйлайман.

Шуҳрат САТТОРОВ, ЎзХДП «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси кенгаши раиси вазифасини бажарувчи:

— Президентимиз илгари сурган ғояларга яна бир бор эътиборингизни қаратмоқчиман. «Фарзандларимиз, ёшларимиз бизнинг нафақат ишончимиз, келажагимиз, ёшларимиз бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир». У киши бизга мамлакат тақдирини ҳал қилувчи куч, миллат тимсоли сифатида қараяптилар. Биз эса, албатта бунга муносиб ишлар билан жавоб қайтаришимиз керак. Бунинг учун ҳаётимизни фаровонлаштиришга хизмат қиладиган етук ва замонавий мутахассис, баркамол авлод бўлиб шаклланишимиз талаб этилади.

Зулайҳо АҲМЕДОВА, ЎзМУ журналистика факультети талабаси:

— Бизга яратилаётган шароитлардан кўнглимиз тўқ. Ҳали Ёшлар йили Давлат дастури қабул қилиниб, амалга оширила бошлаганидан сўнг тенгдошларимни ўйлантираётган кўпгина муаммолар ҳам ўз ечимини топади. Аммо ҳар биримизни: «Мен бунга жавобан нима қилдим», деган савол ўйлантиришини хоҳлайман. Шу мақсад йўлида бирон-бир ютуқни қўлга киритсам, бу билан нафақат ўзим ва оилам, балки мамлакатимиз равнақига ҳам ҳисса қўшган бўламан. Биз шуни унутмаган ҳолда, эзгу ишлар билан обрў топсак, ўйлайманки, тўғри бўлади.

Давра суҳбатида ёшлар баҳс-мунозараларда эркин иштирок этиб, ўз фикр-мулоҳаза ва таклифларини билдирдилар. Республиканинг барча минтақалари ва туман, шаҳар кенгашларида шу мавзуда ўтадиган семинар машғулотлари учун тавсиялар ишлаб чиқилди. Тадбирда Ўзбекистон ХДПга янги аъзо бўлган ёшларга партия гувоҳномалари топширилди.

Беҳзод ШУКУРОВ, Ҳусниддин БЕРДИЕВ. Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

Яхшиликнинг мукофоти — яхшиликдир

Саховатпешаликни бурч деб билган

чироқчилик ЎзХДП фаоллари ота-бола ПИРНАЗАРОВЛАР ҳақида сўз

(Давоми. Боши 1-бетда)

Очиғини энди айтиб қўя қолайлик: аслида бу савобталаб оила ҳақида ёзишимизга «Ўзбекистон ногирон аёллар миллий уюшмаси»нинг Қашқадарё вилоят бўлими раҳбари Майрам Шаропова сабабчи бўлди. «Мен кузда Чироқчига иш билан борганимда ҳамроҳларим Фозилжон ҳақида гапириб беришгач, тўғри уларникига кирдик. Шу уйда кекса украин аёли Анна Тишина билан гаплашиб қолдим. У киши ўз тақдири ҳақида йиғлаб ҳикоя қилди-да, хайрлашаётганимда «сиздан илтимос, имкони бўлса Ўзбекистонда шундай бир ажойиб оила борлигини ва Фозилжон ўғлимнинг менга қилган чексиз яхшиликлари ҳақида бирор газетага айтсангиз, ёзиб чиқишсин, одамлар билиб қўйса ёмон бўлмасди», деб қолди. Айримлар ҳатто ўз ота-онасини хўрлаб, туғишганларини унутиб қўяётган замонда бу инсонларнинг қилаётган савобли амаллари бошқаларга ибрат бўлса ажабмас» деганида Майрам Шаропова минг бора ҳақ эканлигини ота-болалар билан учрашганимиздан сўнг англадик.

САЙДУЛЛА ПОЛВОН ҲИКОЯСИ: — Бу воқеага йигирма йилдан ошди. Билмадим, кўнгилга Худо солар экан-да, бир куни аёлим ва болаларим билан маслаҳат қилдик. Шукрки, ўзимизга тўқмиз, қолаверса, бизни ота-боболаримиз ҳам элнинг дуосини олиб келган. Ниҳоят, биз ҳам Чироқчидаги 37-сонли ёрдамчи мактаб-интернатга бориб, ота-онасиз ўсган Рустам билан Муҳаммадни қарамоғимизга олдик. Бизни уйга келгач, икковиям болаларим билан жуда аҳил бўлиб кетди. Барибир, нима дейди, одамнинг ўзига боғлиқ экан-да. Мана энди кап-катта йигитлар бўлиб ёнимизга кирди. Уйлантирдик, бола-чақали, невараларимиз бор. Энди ҳеч ким уларни бегона демайди. Болаларим билан туғишганлардек бир-бирига меҳрибон. Бир кун кўришмаса, соғиниб қолишади.

Орадан кўп ўтмай кавказлик Оксана деган қизни ҳам олиб келдик. У ҳам фарзандларимиз қаторига қўшилганига ўн беш йилдан ошди. Насиб этса, шу йил тўйини ўтказмоқчимиз. Куёв ҳам тайёр.

Бу гапларимни, укажон, мақтаниш учун сизга айтмаяпман. Шулар ҳам ўзимизни болаларимиз-ку! Уларнинг айби нима? Сиз, биз, ҳаммамиз томошабин бўлиб ўтирсак, тақдири не кечади? Тўғри, бизлар ўтган улуғ аждодларимиз билан фахрланишни, мақтанишни биламиз. Лекин ўзимиз-чи? Уларга муносиб ворислар бўлиш қўлимиздан келмайдими? Келади. Мен болаларимгаям, бошқаларгаям насиҳат қиламан: савоб ишнинг эрта-кечи, катта-кичиги йўқ. Қўлимиздан келса яхшилик қилайлик. Қўлимиздан келмаса, ҳеч бўлмаса ёмонликдан тийилайлик. Ахир Президентимизнинг «Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак» деган ҳикматли иборалари барчамизни уйғоқликка, эзгуликка чорлаши керак!..

Полвон жўшиб, куюниб гапирди. Унинг бу куюнчаклиги замирида халқимизнинг ўзига хос инсоний фазилатлари, қолаверса, ҳар доим одамларга яхшилик соғиниб яшамоқ туйғуси сезилиб турарди.

ДАРВОҚЕ, шу мақоланинг ёзилишини чин дилдан истаган 83 ёшли Анна момо ТИШИНАни ҳам зиёрат қилдик. Оёқлари яхши ишламагани учун аравачада ўтирган экан. У кишининг маҳзун ҳикоясини сиз ҳам бир эшитинг:

— Мен етмиш ёшимгача Шаҳрисабздаги тош саралаш заводида ишлаганман. Чолим қазо қилгач, ёлғизланиб қолдим. Тақдир экан, болаларимиз йўқ эди. Нима қилай, ҳалиям ўзбекчилик яхши-да, қўни-қўшни бир-бирининг ҳолидан хабар олиб туради. Лекин ҳамманинг ҳам ўзига яраша ташвиши, юмуши бор. Ҳар доим ҳолингни сўраб турадиган жонкуяринг бўлмагач, қийин экан. Бир куни...

Онахон бошқа гапиролмади. Қўллари билан Фозилга ишора қилди.

ФОЗИЛЖОННИНГ ҲИКОЯСИ: — Шаҳрисабзга кетаётгандим. Қарасам, кўча устида бир кампир мунғайиб ўтирган экан. Машинамни тўхтатиб, «йўл бўлсин момо, нима бўлди сизга, мазангиз қочдими?» дея миндириб олдим. Нуқул йиғлайди. Охири «Ёлғиз ўзим яшайман болам. Ҳеч кимим йўқ, шу ёшда бўлсам ҳам ишлайман. Касалхонага бораётувдим. Энди қаричилик, бу ёғи» деганидан сўнг айтган манзилига олиб бориб қўйдим. Кейин беш йилча ҳар куни уйига кириб, аҳволини сўраб турдим. Бир куни борсам, йиқилибди. Аҳволи оғир. Тўғри, уйга обкелдим. Отам қўлтиқлади, онам эса дўхтирга чопди. Уч-тўрт кундан кейин анча ўзига келди. Шу-шу она-бола бўлиб кетдик...

Анна момо бўлса Фозилжоннинг гапларини берилиб эшитиб турди-да, «менинг энди армоним йўқ, тасаввур қилинг болам, менга ўхшаб тўшакда ётиб қолган кампирга қараш учун жуда катта сабр керак, ирода керак. Фарзандим йўқ, деб нолир эдим, қаранг Худонинг меҳрибончилигини. Ҳозир бир уй болаларим, невара-чевараларим бор. Ўла-ўлгунимча дуо қиламан шу боламни. Умридан барака топсин. Отасига раҳмат!..»

«Бўлди, кўпам мақтаманг мени, ундан кўра неварангизга қаранг, сизга бораман деяпти» дея Фозил истиҳола билан кампирнинг гапини бўлди.

Биз эса... Оддийгина «салом»идан «алиги»гача ҳокисорлик ва самимийлик ярашиб турган бу мўъжазгина, ораста хонадондан кўнглимиз осмон қадар юксалган кўйи чиқаркамиз, САХОВАТПЕШАЛИК деб аталмиш улуғ фазилатни БУРЧ деб билган, қўлидан келгунича яхшилик қилмоқни ўзларининг энг оддий кундалик юмушлари деб англаган бу оила аъзоларига чин дилдан раҳматлар айтдик. Бизлар билан хайрлашаётганида чироғи ҳеч қачон ўчмайдиган ёниқ ва ёруғ уйнинг чин соҳиблари ва соҳибасига айланган Рустамжону Муҳаммаджон ҳам, Оксанахон ҳам «мабодо бизлар ҳақимизда гап кетса, албатта Пирназаровлар оиласи аъзолари, дейишни унутманг», деб қаттиқ тайинлашди...

Норқобил ЖАЛИЛ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Суратда: Чироқчилик ПИРНАЗАРОВЛАР оиласи.

ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА «ОЛТИН ҚАЛАМ» III МИЛЛИЙ МУКОФОТИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Асосий мукофотлар:

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение — 1 -, 2-, 3- ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио — 1 -, 2-, 3- ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (даврий матбуот — 1 -, 2-, 3- ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (Интернет-журналистика — 1 -, 2-, 3- ўринлар).

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Учинчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Рағбатлантирувчи мукофотлар доирасидаги номинациялар:

— журналистика ривожига қўшган ҳиссаси учун;

— фаол фуқаролик позицияси учун;

— ижтимоий-сиёсий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;

— ижтимоий-иқтисодий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;

— Ёшлар йилига бағишланган энг яхши материал учун;

— маънавий-маърифий мавзудаги энг яхши материал учун;

— ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги энг яхши материал учун;

— энг яхши журналистик текширув учун;

— мураккаб шароитларда (фавқулодда вазиятлар, атроф-муҳит ва экология муаммолари) тайёрланган энг яхши репортаж учун;

— энг яхши режиссёрлик иши учун;

— йилнинг энг яхши дебюти учун;

— энг яхши фоторепортаж учун;

— энг яхши карикатура учун;

— чет эллик журналистнинг Ўзбекистон тўғрисидаги энг яхши материали учун.

Рағбатлантирувчи номинациялар бўйича ғолиблар диплом, статуэтка ва энг кам иш ҳақининг 80 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Танловга теле-, радио-, босма материаллар ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, 3 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Радиоэшиттиришлар (аудиокассета ёки системали диск) 5 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Матбуот ва интернет материаллари даврий нашрнинг асл нусхаси ёки кўчирма нусхасида тақдим этилиши лозим.

Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилинади:

— муаллифнинг исми-шарифи, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;

— муаллифнинг турар жойи, уй ва иш телефонлари;

— паспорт нусхаси.

Танлов ғолибларини мукофотлаш 2008 йил 3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги куни тантанали равишда ўтказилади.

Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.

Материаллар «Олтин қалам» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга жўнатилиши лозим:

Ўзбекистон Республикаси, 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси,

30-уй. 3-қават, 30-, 35-, 37-хоналар

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Телефонлар: 144-64-62; 144-37-87; Факс: 144-69-65 E-mail: ijod @ sarkor.uz www.Journalist.uz

Оилавий поликлиникалар самараси

Марғилон шаҳрида ташкил этилган оилавий поликлиникалар тизими яхши самара бермоқда.

— Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилада тиббий маданиятни ҳамда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди Марғилон шаҳар марказий шифохонаси бош врачи Миркомил Фозилов. — Тасарруфимиздаги барча оилавий поликлиникалар замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланмоқда. Ушбу тизимнинг афзаллиги шундаки, шифокор оила билан доимий алоқада бўлиб туради. Мустақиллик кўчасидаги 1-оилавий поликлиника ҳам барча қулайликларга эга, замонавий жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган. Саккиз маҳалла аҳлига хизмат кўрсатаётган мазкур поликлиника ҳузурида яқинда ташхис маркази ҳам ташкил этилди.

М. СУЛАЙМОНОВ, ЎзА мухбири

Тадбир

Энг намунали

милиция таянч пунктлари аниқланди

Маълумки, бир неча йилдан бери энг намунали фаолият олиб бораётган профилактика инспекторлари, маҳалла оқсоқоллари, посбонлар, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, хотин-қизлар кенгаши раисларини аниқлаш ҳамда уларни муносиб рағбатлантириш мақсадида «Намунали милиция таянч пункти» кўрик-танловини ўтказиш анъанага айланиб қолди.

Аслида ушбу кўрик-танловни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад — профилактика инспекторларининг жамоатчилик вакиллари билан ҳамжиҳатликда фаолият юритишларини таъминлаш, зарур пайтда тегишли ёрдамлар бериш ҳамда аҳолининг барча муаммоларини маҳалланинг ўзида ҳал этиш борасидаги ташкилий, амалий ишларни намунали йўлга қўйган, ҳар жиҳатдан қулай ва тўлиқ инфратузилмага эга бўлган, энг замонавий деб топилган ва барча шарт-шароитлар яратилиб, аҳолига хизмат қилиб келаётган милиция таянч пунктларини аниқлаш, илғор иш тажриба ва услубларини кенг ёйишдан иборат.

Якуний босқичда иштирок этган милиция таянч пунктлари бўйича ғолиблар минтақалардаги ижтимоий-иқтисодий вазиятдан ва демографик жиҳатдан келиб чиқиб, ҳудудларга тақсимланган ҳолда Республика кўрик-танловини ўтказиш комиссиясининг хулосасига асосан аниқланди.

Пойтахтимизнинг «Туркистон» саройида ўтказилган тадбирда ғолиблар муносиб тақдирланди.

Биринчи ҳудуд бўйича биринчи ўринга Самарқанд шаҳридаги «Мир Саид Барака» маҳалласидаги 14-сонли милиция таянч пункти сазовор бўлди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р.Қосимов мазкур милиция таянч пункти профилактика инспектори лейтенант Зафар Воҳидовга биринчи даражали диплом ва «Матиз» автомашинаси калитини топширди.

Иккинчи ҳудуд бўйича Фарғона вилояти Охунбобоев туманидаги «Ғиштмон» маҳалласига хизмат кўрсатувчи 270-сонли милиция таянч пункти ғолиб деб топилди. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири Б.Матлюбов ушбу милиция таянч пункти капитани Давлатжон Даминовни биринчи даражали диплом ва «Матиз» автомашинаси билан қутлади.

Учинчи ва тўртинчи ҳудуд бўйича биринчи ўринни эгаллаганлар — Жиззах шаҳридаги «Зилол» маҳалласига хизмат кўрсатувчи 5-сонли милиция пункти ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой туманидаги «Тазғара» маҳалласига хизмат кўрсатувчи 4-сонли милиция таянч пункти ҳам биринчи даражали диплом ва «Матиз» автомашинаси билан тақдирланди.

— Самарқанд шаҳридаги «Мир Саид Барака» маҳалласида жойлашган 14-сонли милиция таянч пункти кўрик-танловда ҳудуд бўйича биринчи ўринга сазовор бўлганлиги бежиз эмас, — дейди Самарқанд вилоят ИИБ ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бошқармаси бошлиғи, подполковник Илҳом Олтибоев. — Ушбу маҳалла қўмитаси раиси Суннат Кубаев билан профилактика инспекторларининг ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган. Улар муаммоларни жойида ҳал этишяпти. Шу боисдан маҳаллаларимиз тинч, аҳолимиз мамнун.

Хуллас, милиция таянч пунктлари маҳаллаларда тинчлик ва осойишталикнинг гаровига айланиб бормоқда. Намунали милиция таянч пунктлари ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, жамоатчилик билан мустаҳкам алоқада бўлишда ибрат бўлмоқда.

Равшан ШОДИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Қарор ва ижро

Солиқ юки: имтиёз ва имкон

2008 йил бошида мазкур тизимда ўзига хос янгиликлардан бири ва республикамиз иқтисодиётида муҳим воқеа — янги солиқ Кодексининг қабул қилиниши бўлди

Бу ҳужжат мамлакатимиз иқтисодиётини либераллаштириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар сари қўйилган яна бир муҳим қадамдир. Мазкур Кодекс барча солиқ тўловчилар, энг аввало тадбиркорлар манфаати йўлида хизмат қилувчи ҳужжат бўлгани билан айниқса аҳамиятлидир. Унда солиқ мажбуриятларининг ижросини таъминловчи қоидалар, солиқ солиш тамойиллари, объектлари, субъектлари ва асосий атамаларнинг аниқ таърифлари келтирилган.

Президентимизнинг 2007 йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилдаги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарори ҳам солиқ юкини пасайтириш йўли билан фуқароларга енгилликлар беришга қаратилди. Ушбу қарорда 2008 йил учун солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари, солиқ ставкалари ҳамда айрим тоифадаги тўловчиларни солиққа тортиш борасида ўзгаришлар белгиланган. Хусусан, кичик тадбиркорликни ривожлантиришда, уларга янги технологиялар сотиб олишда бир қатор имтиёзлар бериш ҳамда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг бозордаги рақобатбардошлигини ошириш мақсадида кичик корхоналар томонидан тўланадиган ягона солиқ ставкасининг 10 фоиздан 8 фоизга камайтирилиши натижасида вилоятимизда 1,5 млрд. сўм маблағ кичик корхоналар ихтиёрида қоладиган бўлаяпти.

Банкларнинг хусусий капиталини ошириш ва уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида олинадиган фойда солиғи ставкасининг 17 фоиздан 15 фоизга пасайтирилиши эса 1,3 млрд. сўм маблағ вилоятдаги тижорат банклари тасарруфида қолишини таъминлайди. Бу эса ўз навбатида банкларга инвестиция жараёнларини янада кенгайтириш имконини беради.

Жорий йилда ишлаб чиқарувчиларга енгиллик яратиш ҳамда улар ҳисобида қўшимча маблағлар қолдириш мақсадида мебель, видео ва аудио аппаратураларга белгиланган акциз солиғи ставкалари бекор қилинди. Бу йил 2007 йилдаги улгуржи савдо корхоналарига қўлланилаётган ягона солиқ тўловининг табақалаштирилган ставкалари ҳам бекор қилиниб, жойлашган жойидан қатъи назар 5 фоиз миқдорида ягона солиқ тўлов ставкаси жорий этилди. Бу айрим нопок тадбиркорларнинг шаҳар жойларда рўйхатдан ўтмасдан, чекка туманларда рўйхатдан ўтишига барҳам беради.

Шунингдек, чакана савдо корхоналари учун аҳоли сони 100 минг ва ундан ортиқ бўлган шаҳарларда 2007 йилда амалдаги 5 фоизли ставка ўрнига 4 фоиз, бошқа аҳоли манзилгоҳларида амалда бўлган 3 фоизли солиқ ставкаси ўрнига 2 фоиз миқдорида ягона солиқ тўлови белгиланди. Бунинг натижасида 2008 йилда вилоятимизда фаолият кўрсатувчи 2000 дан ортиқ чакана савдо корхоналари ихтиёрида 500,0 млн. сўмдан кўпроқ маблағ қолади.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг солиқ солинадиган чегараси кенгайтирилиб, 13 фоизли ставка бўйича солиқ солиш базаси энг кам иш ҳақининг 5 бараваридан 6 бараварига ўзгартирилди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, бунинг натижасида вилоят бўйича аҳоли даромади қарийб 900,0 миллион сўм миқдорида ошади. Ушбу маблағлар аҳолининг турмуш тарзини яхшилаш ва харид қобилиятини оширишга хизмат қилади.

2008 йил — Ёшлар йили. Шу боис Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан болалар тарбиясига, талабаларнинг ўз билимларини оширишга ҳар қачонгидан ҳам катта эътибор қаратилаётир. Шу йил 1 январдан эътиборан нодавлат мактабгача болалар таълим муассасалари асосий фаолияти бўйича (ягона ижтимоий тўловдан ташқари) барча солиқлар ва мажбурий тўловлардан уч йилга озод этилди. Мазкур имтиёз натижасида бўшайдиган маблағлар уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга, инвентарлар, болалар ўйинчоқлари ва адабиётлар сотиб олишга мақсадли йўналтирилади.

Кейинги йилларда ҳукуматимиз томонидан ёш оилаларни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларни уй-жой билан таъминлашга ҳам катта эътибор қаратилган. Республикамиз ички бозорини ёғоч-тахта материаллари билан тўлдириш, улар нархини арзонлаштириш ҳисобига аҳолининг қурилиш материалларига бўлган талаб ва эҳтиёжини қондириш мақсадида юридик ва жисмоний шахслар четдан олиб келинадиган ёғоч-тахта материаллари учун божхона божи ва қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод қилинди. Вилоятимиз бўйича бир йилда ўрта ҳисобда 1700 та оилага уй-жой қуриш учун ер майдонлари ажратилишини ҳисобга оладиган бўлсак, ёғоч-тахта материалларининг арзонлашуви улар учун катта қулайликлар яратиши ўз-ўзидан равшан.

Табиий ресурслардан самарали фойдаланиш учун уларга солинадиган солиқларнинг ошиш тенденцияси сақланган ҳолда 2008 йилда ер ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 1,2 бараварга оширилди. Бунинг натижасида бу йил ўтган йилга нисбатан вилоятимиз бўйича бюджетга 3,0 млрд. сўм қўшимча маблағ тушиши кутилмоқда.

Хуллас, 2008 йилда қўлланиладиган солиқ сиёсати, амалдаги жараёнларни янада оптималлаштириш, юридик ва жисмоний шахслар учун солиқ юкини пасайтириш, солиққа тортиш механизмларини соддалаштириш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва модернизация қилишни, шунингдек, янги иш жойларини ташкил этишни рағбатлантиришга, аҳоли турмуш даражасининг янада яхшиланишига қаратилган.

Хуррам ЖЎРАЕВ,
Қашқадарё вилоят Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи.

XORIJDA

Ультиматум эълон қилинди

Грузия бирлашган мухолифати ҳукуматга ультиматум эълон қилди, деб хабар беради РИА Новости.

Мамлакатнинг ўнта сиёсий партияси қабул қилган меморандумга мамлакатнинг уч нафар собиқ президентликка номзоди ҳам имзо чеккан ва у кўриб чиқиш учун парламентга киритилди.

Улар 5 январда бўлиб ўтган сайловдаги овозларни халқаро кузатувчилар иштирокида қайтадан санаб чиқиш ва Конституцияга ўзгартириш киритишни талаб қилишмоқда. «Мухолифат сайловда ғолиб чиққач, ҳукумат у билан келишган ҳолда ҳукуматни қайтадан тузишининг кафолати бўлиши зарур»,— дейди мазкур партиялар етакчиларидан бири Каха Какава. Унинг айтишича, меморандумда ички ишлар вазири ва бош прокурорнинг ишдан бўшатилиши, полиция бўлинмаларини қайтадан ташкил этиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мониторинг қилиш ҳам талаб қилинган.

— Юқоридаги шартлар қондирилмаса оммавий чиқишлар кенг тус олади ва биз Грузияда адолат қарор топиши учун миллий демократик ҳаракатни бошлаб юборамиз,— деди президентликка асосий номзодлардан бири бўлган Л.Гачечиладзе.

Фикрлашиб олинди

Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома ташкилоти (КХТШТ) мутахассислари Москвада информацион технологияларга оид жиноятчиликка қарши курашиш бўйича фикр алмашишди, деб хабар берди РИА Новости.

«Биз мутахассисларга тажриба, ҳамкорлик натижаларини алмашиш ва амалий масалаларни муҳокама қилиш имкониятини берамиз»,— деди ташкилот раҳбари Николай Бордюжа. Унинг айтишича, информацион технологиялар соҳаси бўйича жиноятларни очиш ва олдини олиш терроризмга қарши курашиш, хавфсизликни таъминлаш билан ўзаро боғлиқ.

Фикрлашиш жараёнида «Информацион хавфсизлик тизимини шакллантириш бўйича ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар Дастури»ни амалга ошириш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Эслатиб ўтамиз, КХТШТга Арманистон, Белоруссия, Қозоғистон, Россия, Тожикистон ва Ўзбекистон киради.

Тропик довул натижасида...

Тинч океани жанубий-ғарбидаги Фижи оролларига «Жини» номли тропик циклон ёғилди, дея хабар қилади ИТАР-ТАСС.

Табиий офат туфайли олти киши ҳалок бўлган. Офат марказидаги шамол тезлиги соатига 150 км.дан ошган. Довул асосан тўрт орол ва Вануа-Леву давлатининг учдан тўрт қисми аҳолиси истиқомат қиладиган икки оролга хуруж қилган. Маҳаллий қутқарув хизматининг берган маълумотига кўра, 450 мингдан зиёд киши сув ва электр энергиясисиз қолган. Ҳукумат мамлакатда фавқулодда вазият эълон қилди. Маҳаллий аҳоли ва туристларни кўчириш ишлари давом этмоқда.

Иқтисод ва ислоҳот

Кечагина банкротликка юз тутган фабрика

бугун маҳсулот ишлаб чиқаришда мамлакатда етакчиликка даъвогар

Таназзул

Ўтган асрнинг олтмишинчи йиллари ўрталарида ташкил этилган Навоийдаги «Сардоба» паррандачилик фабрикаси нима бўлди-ю, сўнгги йилларда таназзулга тушиб қолди. Чунки иттифоқ даврида ташкил топган корхона асбоб-ускуналари қирқ йилдирки, ўз «хизмати»ни ўтаб бўлганди. Уни тамоман янгиламоқ, замон андозасига мосламоқ керак эди. «Йўғонни чўзган, ингичкани узган» бозор муносабатлари шароитида бу осон иш эмаслигини билган корхонанинг собиқ раҳбарлари бирин-кетин келиб кетавердилар. «Миллионлаб қарзга ботган фабрика энди қаддини қайта тиклаб оларми-кан?» деган шубҳалар оралади. Хўш, бугунгача жамоа бошини қовуштиролмаган, даромад ва буромадини йўлга сололмаган олдинги мутасаддилар ишини энди ким эпларкин? Боз устига усти ялтироқ, ичи қалтироқ, хазинаси қоқ, деворлари чўка бошлаган йирик паррандачилик корхонасига энди ким юрак бетлаб келади?

Ташаббус

Ана шундай калавани учи топилмай турган бир пайтда «Сардоба парранда»га эга чиқди. Қайдан денг, Тошкентнинг «Юнусобод» даҳасидан... Кўпчилик «Тошкентдан Навоийга боришнинг ўзи бўладими, қарзга ботган корхонани қайта тиклашга Миралиевларнинг кучи етармикан?» — дейишди ҳам.

— Чумчуқдан қўрққан тариқ экмайди, — дея Мирзоҳид ака ва 2006 йилнинг 15 январида «уловидан тушови қиммат» корхона ҳовлисига ўғли Ойбекжон билан кириб келди.

Тўғри, ота-бола олдинига ишни нимадан бошлашни билмай хийла довдирашди. Устига-устак фабриканинг собиқ «одам»лари «отдан тушса ҳам, эгардан тушмай» хурмача қилиқлар, киши билмас ҳунарлар кўрсатиб, ишлашга йўл бермаслик пайида бўлдилар. Қарз ва солиқлардаги боқимандаликни қўяверинг. Вилоятдаги бирор тижорат банки олдига кредит беришга бетламай ёхуд берганда ҳам отнинг калласидек гаров моли сўраб, аҳволни мушкуллаштираверишди.

Миралиевларнинг боши қотди. Нима қилиш керак? Кимга, қаерга мурожаат этиш мумкин? Парранда сотай деса, корхонада юз минг донадан ошар-ошмас, маҳаллий, жайдари парранда қолган. Тухум сотай деса, кунлик тухум ишлаб чиқариш 40-45 минг донадан ошмайди. У ҳам вилоят боғча-яслиларидан ортмайди... Янги раҳбар ўзи тузган дастур билан вилоят ҳокимига кирди. Кредит масаласида кўмак сўради. Атига 2 йилдаёқ фабрикани боши берк кўчадан олиб чиқишга ваъда берди.

Ҳокимлик Миралиевлар ташаббусини қўллаб-қувватлади. Уларнинг узоқни кўзлаб тузган амалий иш дастурини синчиклаб ўрганиб, 450 миллион сўмлик узоқ муддатли кредит олишига бош-қош бўлди. Фабрикада муҳит ҳам, ишлаб чиқариш ҳам ўзгарди. 2005 йилда атиги 1,5 тонна товуқ гўшти, 7 миллион дона тухум етиштирган корхона маҳсулоти кўп ўтмай 2-3 ҳиссага ортди. 2006 йилнинг ўзида 31 миллион дона тухум, 110 тонна парҳез парранда гўшти ишлаб чиқарилди. Бир йилга етар-етмас кредитнинг ҳам 250 миллион сўми тўлаб қўйилди. 300 нафардан зиёд ишчи деярли ишсиз қолган фабрика яна оёққа турди. Корхонада ҳозир 260 мингдан зиёд парранда бўлиб, унинг 162 мингтаси сермаҳсул товуқлар. Бу — ҳар куни 140-145 минг дона сифатли ва сархил тухум олинади, дегани.

Изланиш

Миралиевлар шу кунларда Ўзбекистон шароитига мос насли, зотдор жўжалар излаб, Италия, Россия, Украина мамлакатларига бориб келишмоқда. Мақсад — корхонани хориж технологияси асосида янгилаш, модернизациялаш ва пировардида, зотдор насли жўжалар туркумини яратиш. Бу хайрли иш учун ҳозир чет элнинг «Фако», «Техно», «Пятиогорсксельмаш» компаниялари, фирмалари билан шартномалар тузилди. Ана шундай саъй-ҳаракатлар боис ўтган йилнинг октябрь ойида фабрикага 87 минг бош «Норофоминск» зотли жигарранг қизғиш товуқлар келтирилди. Яқинда эса яна 95 минг дона «оқ шавер» номли сертухум хориж паррандалари ҳам олиб келинди.

— Агар бу насл ҳам ўз парваришини топса, — дейди Мирзоҳид ака, — корхонада ҳар йили 700 минг дона шундай сермаҳсул товуқлар етиштириш имкони туғилади.

Тежамкорлик

— «Молиявий тежамкорликнинг яна бир жиҳати, бу — парандахоналарнинг замонавийлиги, — дейди Ойбек Миралиев. — Биз бу йўлда ҳар бир товуқхонани чет эл технологияси ва асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ҳаракатини қилаяпмиз. Агар бу ишни ҳам баҳорга қадар эпласак, ҳар бир товуқхонада 20 минг бош эмас, 200-250 минг бош наслли элита товуқлар парваришлаш мумкин. Ўшанда газ, электр энергияси ва меҳнат сарфи ҳам 2-3 баробар тежалади. Ҳали кўрасиз, «Сардоба — парранда» тез орада жаҳон андозасига чиқади. Паррандалар сони бир миллион донага етади.

— Тежамкорликни кадрлар бўғинида ҳам йўлга қўйганмиз, — дея давом этади у. — Ҳар бир тийин ва ҳар бир сўм қадрини билган тажрибали, малакали молиячи ҳамда иқтисодчиларни жалб этганмиз. Паррандачилик ҳаддини олган муҳандис-мутахассислар, зоотехник ва ветеринария врачларимиз бор. Айниқса, Шуҳрат Нарзиев, Жўрақул Рўзиев, Бахтиёр Абдуқосимов, Раҳим Олтинбоев, Анвар Муҳаммедов, Ҳидоят Ирисметов каби ходимларимиз даромад ва буромадни яхши билишади.

Хуллас, кечагина банкротга юз тутган корхона бугун туб молиявий-иқтисодий бурилиш йўлида.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Шўрчида янги иш ўринлари

«Мирзо Эсон» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси Хитой технологияси асосида шифер ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Айни кунларда бу ерда бир кеча-кундузда 1200 донагача сифатли қурилиш маҳсулоти тайёрланиши билан бирга, 50 нафарга яқин ёшлар янги иш ўринлари билан таъминланди.

✧ ✧ ✧

Туман марказида «Автодунё» савдо мажмуаси ишга тушди. Унда автомашина ва тракторлар учун барча турдаги эҳтиёж қисмлар сотилмоқда. Шунингдек, бу ерда автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси ҳам ташкил этилди.

— Муҳими, — дейди мажмуа раҳбари А.Ҳужжатов, — 30 нафар ёш йигит-қизларга муқим иш ўринлари очилди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
Қурбон ЖЎРАНАЗАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

Ўғрилар таслим бўлди

Венесуэла марказидаги банкда ўнлаб одамларни асирликда ушлаб турган ўғрилар полицияга таслим бўлди, деб хабар беради РИА новости.

Душанба куни тўрт нафар қуролланган эркак Banco Provincial банки бўлинмасидан пул ўғирлаб қочмоқчи бўлган вақтда полиция келиб қолган. Бино ичкарисига беркинган жиноятчилар банк ходимлари ва мижозларни бир кундан ортиқ гаровда ушлаб турган. Музокаралар натижасида маъмурият ўғриларга тез ёрдам машинасини бергач, ўзлари билан олти кишини гаровга олган ўғрилар ғойиб бўлган. Аммо полиция машина изига тушиб, бир неча соатдан кейин уларни қўлга олган.

Уйқудан аввал гаплашманг

Уяли телефон ишлаб чиқарувчи компаниялар ўтказган тадқиқот натижаларига кўра, уйқудан олдин уяли телефонда гаплашадиганлар уйқусизлик ва бош оғриғидан қийналишади, деб хабар берди ИТАР-ТАСС.

Тадқиқотда қатнашганлар телефонсиз нур таъсири остида синалган. Натижада нурланганларнинг уйқуси қочиб, яхши ухлай олмаган.

Олимларнинг тушунтиришича, уяли телефондан чиқадиган нур организмда тажанглик, руҳан толиқишни юзага келтиради. Уларнинг тавсиясига кўра, уяли телефон орқали, айниқса, болалар ва ўсмирлар кам гаплашиши зарур.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

ЎзР БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ҲУЗУРИДАГИ СОЛИҚ, ВАЛЮТАГА ОИД ЖИНОЯТЛАРГА ВА ЖИНОИЙ ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИ

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ БОШҚАРМАСИ

2008 ЙИЛДА ҚУРИЛИШИ МЎЛЖАЛЛАНГАН ҚУЙИДАГИ ИНШООТГА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. ЎзР Бош прокуратураси ҳузуридаги департамент Қашқадарё вилоят бошқармаси маъмурий биносининг ҳовли иншоотларини реконструкция қилиш.

Бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 78 274 890 сўм.

Қурилиш муддати — 70 кун.

Буюртмачи — ЎзР Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти Қашқадарё вилоят бошқармаси.

Манзил — Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 182-а уй.

Қурилиш ишларини молиялаштириш — ЎзР Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти Қашқадарё вилоят бошқармаси ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга:

- етарли касбий ва техникавий малакага;
- иншоот қийматининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки ушбу маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги;
- молиявий имкониятлар ва етарли ишчи кучи ресурсларига;
- шартнома (контракт) тузишга лаёқатли;
- юридик ҳуқуққа эга, шунингдек, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги ва ишончли бўлиши шарт.

Савдода иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Қарши шаҳри, Хонобод шоссеси, 5-уйда жойлашган капитал қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Қашқадарё вилоят ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин.

Тел/факс: (8-375) 223-10-63, 233-19-14.

Оферталар савдо ташкилотчиси томонидан юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.

Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Тендер ҳужжатларини эълон чоп этилгандан сўнг 25 кунгача сотиб олиш мумкин.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Тендер савдолари матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин «Ташкилотчи» биносида ўтказилади.

«POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси

2008 йилнинг 5,8,12,15,19,22,26,29 февраль кунлари аукцион савдоларини ўтказади.

Савдоларга қуйидагилар қўйилади:

Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 55-уйда жойлашган Давлат мулки қўмитаси Тошкент вилоят бошқармасининг 2004 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 TV 283 бўлган «ГАЗ-3102121» русумли автотранспорт воситаси.

Бошланғич нархи — 11 960 000 сўм.

«Ўзбекистон Шампани» ОАЖ балансида бўлган 100 дона «Е-1500» русумли цистерналар.

Ҳар бирининг бошланғич нархи — 541 320 сўм.

Тошкент шаҳар ҳудудида жойлашган, якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган қуйидаги ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик ҳуқуқи:

Сирғали тумани:

Қурувчи даҳасида, сатҳи 0,02 га. бўлган ер участкаси.

Бошланғич нархи — 703 760 сўм.

Юнусобод тумани:

«Ҳасанбой» даҳаси, 1-мавзеда жойлашган, сатҳи 0,04 га. бўлган 3-сонли ер участкаси.

Бошланғич нархи — 946 400 сўм.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал, ер майдонларига уч кун аввал соат 18.00 да тўхтатилади.

Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдода қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10 фоизи миқдорида закалат пулини «POYTAXT AUKSION» ДУК АТИБ «Ипотека-банки» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000004243151002 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароунаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади.

Телефон: 233-23-40.

Миллий санъат

Гўзалликнинг сеҳрли олами

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон маданият ва санъат кўргазмаси залида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан миллий чолғу асбоблари кўргазмаси очилди

Кўргазмада Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган уста ва ҳунармандлар томонидан ишланган миллий чолғу асбобларига кенг ўрин берилган. Фарғоналик уста Мамасоли Холбековнинг танбур, сато каби чолғулари бежиримлиги, оҳангдорлиги билан ажралиб турса, хоразмлик Ражаббой Мейлиев ишлаган қашқар рубоби, бухоролик уста Каромат Муқимовнинг соз, тор, танбур каби чолғулари янада мукаммаллиги билан эътиборни жалб этади.

Кўргазма нафақат юртдошларимиз, балки хорижлик меҳмонларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Улардан бири — япониялик Макото Накамура. У Токио нафис санъат университетини тамомлаган, ҳозир Тошкентдаги Республика рассомлик коллежининг мусиқа асбоблари ясаш бўлимида таълим олмоқда. Айни пайтда у Ўзбекистон — Япония марказида дутор ижрочилиги бўйича япониялик санъатсеварларга сабоқ беради.

— Кўргазмани диққат билан кўздан кечирдим, — дейди М.Накамура. — У ўзбек чолғулари тўғрисидаги билимимни янада бойитди. Дутор, сурнай, ғижжак каби асбоблар бизнинг юртимиздаги чаримэра, сямисен каби чолғуларга жуда ўхшаб кетади. Президент Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини янада ривожлантиришга оид Фармойиш ўзбек санъатининг янада ривожланишига, Ёшлар йилида истеъдод соҳиблари учун янгидан-янги имкониятлар эшикларини очишга хизмат қилишига ишончим комил.

Кўргазмада Ўзбекистон давлат консерваториясининг «Миллий чолғу» илмий-ишлаб чиқариш экспериментал лабораторияси томонидан тайёрланган чолғуларга ҳам кенг ўрин берилган. Жамоа раҳбари Озода Тошматованинг таъкидлашича, бундай кўргазма юртимиздаги барча созгар усталарни жалб этиш, уларнинг фаолияти билан яқиндан танишиш, ишларини атрофлича тарғиб этишда муҳим ўрин тутади.

— Жамоамизда Президентимиз Фармойишида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, жумладан, болалар мусиқа ва санъат мактабларини сифатли чолғу асбоблари билан таъминлаш бўйича қизғин иш олиб борилмоқда, — дейди О.Тошматова. — Шу маънода, ушбу миллий чолғу асбоблари кўргазмаси барча усталар фаолиятини ягона тизимга келтириш, бу борадаги эзгу саъй-ҳаракатларни бирлаштириш, мактабларни сифатли мусиқий жиҳозлар билан таъминлашда муҳим ўрин тутади. Бу давлат таълим стандартларига, экологик талаб ва мезонларга тўлиқ жавоб берувчи, боланинг ёши, физиологик ҳолатига мос мусиқа асбоблари тайёрлашни тақозо этади. Мазкур жараён эса мусиқа ўқув даргоҳлари учун чолғулар тайёрлашни янада такомиллаштириш, созгарлик санъатини ривожлантириш, соҳа учун мутахассислар тайёрлаш, жойларда фаолият кўрсатаётган усталар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш каби масалалар билан узвий боғликдир.

Шу маънода, кўргазмада ота-оналар, мусиқашунослар, жамоатчилик фикри атрофлича ўрганилиб, таҳлил қилиниб, билдирилган таклиф ва тавсиялар амалиётга жорий этилади. Бу эса ёшларга пухта ва мукаммал мусиқий таълим-тарбия бериш, улар маънавиятини юксалтириш, қалбларини гўзалликнинг сеҳрли оламига ошно этиш йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлиши шубҳасиз.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири
Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА)
олган сурат

Мулоҳаза

Халқчил ва ҳаётий эҳтиёж

ёки мусиқий саводхонлигимиз қай даражада?

Президентимизнинг «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган давлат дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармойиши нафақат таълим тизимида, балки халқимиз маънавий-маърифий ҳаётида ҳам муҳим аҳамиятга эга.

таби алоҳида ўрин тутишини, соҳа ривожи йўлида заҳмат чеккан, ўз қобилияти билан шуҳрат қозонган не-не санъат дарғалари айнан шу мактабдан етишиб чиққани тўғрисида ҳикоя қилинади.

Аммо ўтмиш билан фахрланиш баробарида, бугун унга муносиб бўлиш зарурати борлигини ҳам унутмаслик лозим. Ана шу санъат соҳасида мактаб яратган етук санъаткорларнинг бугунги издошлари кимлар? Наманганда мусиқий таълим-тарбиянинг имкониятлари қай даражада? Яратилган шароитларга яраша истеъдодлар етишиб чиқаяптими?

Фармойишда таъкидланганидек, таълим тизимидаги имкониятлардан фойдаланиш, айниқса, болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини яхши йўлга қўйиш учун аввало ушбу масканлар ҳолатини танқидий кўриб чиқиш лозим бўлади. Шундагина кўзланган эзгу мақсадлар йўлида собитқадамлик билан ҳаракат қилиш мумкин. Биз вилоятда бу соҳада меҳнат қилаётган кадрларнинг илмий-ижодий салоҳияти қай даражада эканлигини билиш мақсадида китоб муаллифи — айни вақтда Ўзбекистон Давлат консерваторияси шарқ кафедраси анъанавий ижрочилик бўлими магистри Насиба Турғунованинг мулоҳазаларига қизиқдик.

— Санъат ҳамиша фидойиликни талаб қилади. Юртбошимизнинг ёш авлоднинг маданий-маънавий камолотини кўзлаб эълон қилинган мазкур Фармойиши бу эзгу тамойилни янада улуғлайди. Масалан, мусиқа соҳасида оддийгина нотани билиш одамларда маънавиятимиз сарчашмалари бўлмиш қадриятларга, шу орқали ҳаётга, юрт равнақига меҳр ва садоқатни шакллантирувчи муҳим омил эканини кўпчилик билавермайди.

Эътиборлиси, бизда мусиқа фани ўрта мактабларнинг биринчи синфидаёқ ўқитилади. Аммо нега уни ўқиганлар орасида нотани ўзлаштирмаганлар кўп? Чунки бу соҳада кадрлар етишмаслиги масаласи бор. Бугун кўпгина мусиқа мактабларимизда моддий-техник имкониятлар етарли бўлишига қарамай, замонавий чолғу асбобларидан маҳорат билан дарс бера олувчилар, афсуски, кам...

Биз куюнчак бу қизнинг ўринли фикрларини тинглаб, мусиқада Наманган мактаби анъаналари нечоғлик давом этаётгани билан қизиқдик. Дарҳақиқат, уста Рўзиматхон Исабоевнинг муносиб издошлари, шогирдлари ҳозир ҳам фаолият юритишмоқда. Маҳмуджон Дадабоев, Толибжон Дадабоев, НамДУ мусиқа бўлимида ишлаётган Қосимжон домла, Наманган санъат коллежи ўқитувчиси Равшан Абдураҳмонов, чанг устаси Қутбиддин Обидхўжаев, Эргаш Эгамбердиев, Мукаррама Азизова каби устозлар тенгдошларидан ёш истеъдодлар астойдил изланишмоқда. Қолаверса, Наманган республикамизга таниқли Акбарали Асқаров, Маҳмуджон Иномов сингари ўнлаб машҳур бастакорлар юрти сифатида эътирофга сазовор.

Бугунги ёш мутахассисларнинг зиммасида эса бу санъаткорларимиз ижодини оммалаштиришга ҳисса қўшиш, замондошларимиз ва келгуси авлоднинг мусиқий саводхонлигини юксак даражада таъминлашни ривожлантириш бўйича астойдил изланиш масъулияти турибди.

Шу ўринда бир мулоҳаза: Сиз кичик ёшдаги болангизнинг мусиқа тинглаётганини ҳеч кузатганмисиз? Қўшиқ янграганда уларнинг кўзларидан ўт чақнайди. Дутор, танбур, фортепьяно, най, рубоб каби чолғу асбобларидан бири турган хонага ўғил ё қизингизни киритиб кузатинг-а, унда мусиқага туғма эҳтиёж борлигига иқрор бўласиз. Биз гўдаклигимизда ҳарф таниб, ўқиш-ёзишни, сонлар орқали математик қўшиш-бўлишни ўрганамиз, ўзлаштирамиз. Бу оддийгина эҳтиёжларимиз учун зарур билимлар, албатта. Лекин руҳиятимиз, маънавиятимиз, маданиятимиз учун жуда-жуда муҳим бўлган ноталарни ўзлаштириш унутилган эҳтиёжга айланиб қолмаганмиди?

Менинг назаримда, мусиқа санъати давлатимиз эътиборида экан, энг чекка ҳудудларда ҳам бу соҳа муҳим тарбия воситаси эканлигини тарғиб қилиш зарур. Президентимизнинг юқорида тилга олиб ўтилган Фармойиши шу нуқтаи назардан ҳам халқчил ва ҳаётийдир.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратда: *Наманган санъат коллежи халқ чолғу асбоблари бўлими ўқитувчиси Башоратхон Насриддинова чанг ансамбли машғулотида.*

Қанча кўп ўқисанг, шунча кўп билмаслигингни ҳис этасан, деган экан донишмандлардан бири. Яқинда «Наманган» нашриётида чоп этилган «Санъатга бахшида умр» номли китобни ўқирканман, ана шу ҳикматли сўзлар хаёлимдан ўтди. Унда устоз санъаткор, ўзбек миллий мумтоз мусиқаси равнақига муносиб ҳисса қўшган, кўплаб умидли истеъдодлар қўлига соз тутқазиб, уларнинг санъатда камол топишида ўз меҳнатини аямаган уста Рўзиматхон Исабоевнинг шарафли ҳаёт йўли ҳақида маълумотлар келтирилган. Китобда, шунингдек, мусиқий таълим ривожида Наманган мактабларнинг бугунги издошлари кимлар? Наманганда мусиқий таълим-тарбиянинг имкониятлари қай даражада? Яратилган шароитларга яраша истеъдодлар етишиб чиқаяптими?

Фармойишда таъкидланганидек, таълим тизимидаги имкониятлардан фойдаланиш, айниқса, болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини яхши йўлга қўйиш учун аввало ушбу масканлар ҳолатини танқидий кўриб чиқиш лозим бўлади. Шундагина кўзланган эзгу мақсадлар йўлида собитқадамлик билан ҳаракат қилиш мумкин. Биз вилоятда бу соҳада меҳнат қилаётган кадрларнинг илмий-ижодий салоҳияти қай даражада эканлигини билиш мақсадида китоб муаллифи — айни вақтда Ўзбекистон Давлат консерваторияси шарқ кафедраси анъанавий ижрочилик бўлими магистри Насиба Турғунованинг мулоҳазаларига қизиқдик.

— Санъат ҳамиша фидойиликни талаб қилади. Юртбошимизнинг ёш авлоднинг маданий-маънавий камолотини кўзлаб эълон қилинган мазкур Фармойиши бу эзгу тамойилни янада улуғлайди. Масалан, мусиқа соҳасида оддийгина нотани билиш одамларда маънавиятимиз сарчашмалари бўлмиш қадриятларга, шу орқали ҳаётга, юрт равнақига меҳр ва садоқатни шакллантирувчи муҳим омил эканини кўпчилик билавермайди.

Эътиборлиси, бизда мусиқа фани ўрта мактабларнинг биринчи синфидаёқ ўқитилади. Аммо нега уни ўқиганлар орасида нотани ўзлаштирмаганлар кўп? Чунки бу соҳада кадрлар етишмаслиги масаласи бор. Бугун кўпгина мусиқа мактабларимизда моддий-техник имкониятлар етарли бўлишига қарамай, замонавий чолғу асбобларидан маҳорат билан дарс бера олувчилар, афсуски, кам...

Биз куюнчак бу қизнинг ўринли фикрларини тинглаб, мусиқада Наманган мактаби анъаналари нечоғлик давом этаётгани билан қизиқдик. Дарҳақиқат, уста Рўзиматхон Исабоевнинг муносиб издошлари, шогирдлари ҳозир ҳам фаолият юритишмоқда. Маҳмуджон Дадабоев, Толибжон Дадабоев, НамДУ мусиқа бўлимида ишлаётган Қосимжон домла, Наманган санъат коллежи ўқитувчиси Равшан Абдураҳмонов, чанг устаси Қутбиддин Обидхўжаев, Эргаш Эгамбердиев, Мукаррама Азизова каби устозлар тенгдошларидан ёш истеъдодлар астойдил изланишмоқда. Қолаверса, Наманган республикамизга таниқли Акбарали Асқаров, Маҳмуджон Иномов сингари ўнлаб машҳур бастакорлар юрти сифатида эътирофга сазовор.

Бугунги ёш мутахассисларнинг зиммасида эса бу санъаткорларимиз ижодини оммалаштиришга ҳисса қўшиш, замондошларимиз ва келгуси авлоднинг мусиқий саводхонлигини юксак даражада таъминлашни ривожлантириш бўйича астойдил изланиш масъулияти турибди.

Шу ўринда бир мулоҳаза: Сиз кичик ёшдаги болангизнинг мусиқа тинглаётганини ҳеч кузатганмисиз? Қўшиқ янграганда уларнинг кўзларидан ўт чақнайди. Дутор, танбур, фортепьяно, най, рубоб каби чолғу асбобларидан бири турган хонага ўғил ё қизингизни киритиб кузатинг-а, унда мусиқага туғма эҳтиёж борлигига иқрор бўласиз. Биз гўдаклигимизда ҳарф таниб, ўқиш-ёзишни, сонлар орқали математик қўшиш-бўлишни ўрганамиз, ўзлаштирамиз. Бу оддийгина эҳтиёжларимиз учун зарур билимлар, албатта. Лекин руҳиятимиз, маънавиятимиз, маданиятимиз учун жуда-жуда муҳим бўлган ноталарни ўзлаштириш унутилган эҳтиёжга айланиб қолмаганмиди?

Менинг назаримда, мусиқа санъати давлатимиз эътиборида экан, энг чекка ҳудудларда ҳам бу соҳа муҳим тарбия воситаси эканлигини тарғиб қилиш зарур. Президентимизнинг юқорида тилга олиб ўтилган Фармойиши шу нуқтаи назардан ҳам халқчил ва ҳаётийдир.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратда: *Наманган санъат коллежи халқ чолғу асбоблари бўлими ўқитувчиси Башоратхон Насриддинова чанг ансамбли машғулотида.*

Пекин олимпиадаси олдидан

Аббос АТОЕВ:

Рингда чемпионлар учун имтиёзлар йўқ!

Ёзги Олимпия ўйинлари тарихига назар ташласак, мамлакатимиз «чарм қўлқоп» усталари доимо ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олиб келган. Ўзбекистон спортчилари илк маротаба мустақил жамоа сифатида иштирок этган 1996 йилги Атланта олимпиадасида моҳир боксчимиз Карим Тўлаганов (71 кг.) бронза медали билан тақдирланган эди. Орадан тўрт йил ўтиб, Сидней олимпиадасида Муҳаммадқодир Абдуллаев (63,5 кг.) шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилган бўлса, боксчиларимиздан Сергей Михайлов (81 кг.) ҳамда Рустам Саидов (+91 кг.)лар ўз вазн тоифаларида бронза медалларига сазовор бўлишганди.



2004 йили Афинада ўтказилган XXVIII ёзги Олимпия ўйинларида эса ҳамюртларимиз бир йўла ўнта вазн тоифасида рингга чиқдилар. Улардан фақат Баҳодиржон Султонов (54 кг.) ҳамда Ўткирбек Ҳайдаров (81 кг.)лар юртимизга бронза медаллари билан қайтишди.

Айни пайтда Шароф Худойбердиев бош мураббийлик қилаётган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Пекин олимпиадасига ҳам кўпроқ йўлланмаларни қўлга киритишга бел боғлашган. Ҳозирча боксчиларимиз ер куррасининг энг нуфузли мусобақаси ягона йўлланмасига сазовор бўлган. Ёдингизда бўлса, ўтган йилнинг кузида Чикаго (АҚШ)да уюштирилган жаҳон чемпионатида бухоролик Аббос Атоев (81 кг.) барча рақибларини мағлубиятга учратиб, Пекин олимпиадаси йўлланмасига эга бўлган эди.

Бугун Ўзбекистон бокси нафақат қитъамизда, балки жаҳонда ўз ўрни ва мавқеига эга. Шундай экан, мамлакат бош жамоаси таркибидан ўрин олиш ҳар қандай боксчига ҳам насиб этавермайди. Иқтидорли боксчи Аббос Атоевнинг эришган ғалабаси ҳам тасодиф эмас. У илк бор 19 ёшида 2004 йили Жанубий Кореяда ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида бронза медали билан тақдирланиб, мутахассислар назарига тушган эди. Шундан сўнг, Аббос орадан кўп ўтмай, катталар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатларида аввалига кумуш, сўнгра олтин медалларни қўлга киритди.

Ўтган йил чин маънода бухоролик боксчи учун омадли келди. Аввалига Аббос ёзда Мўғулистон пойтахти Улан-Баторда ўтказилган Осиё чемпионатида тенгсиз, деб топилди. Кузда эса Чикаго рингларида дунёнинг энг сара боксчиларини мағлуб этиб, жаҳон чемпиони, деган юксак унвонни қўлга киритди. Ҳозир у фақат Пекин олимпиадаси ўй-хаёли билан яшамоқда.

— Спортчи ҳамиша ғолибликка интилади, — дейди Аббос Атоев. — Лекин чемпион бўлганингдан кейин эса зиммадаги масъулият янада ошар экан. Ҳурмат ва ишончни оқлаш керак-да. Жаҳон чемпионатида турли давлатлар терма жамоалари қатнашади. Олимпиадага эса улар орасидан саралганлар энг кучли боксчилар йўлланма олишади. Шундай экан, Олимпия ўйинларида юқори натижаларни қайд этиш спортчидан катта маҳорат талаб этади. Шу боис, айни чоғда мураббийим Олим Муҳамедов билан аниқ режа асосида машғулотлар олиб боряпмиз.

— Сиз олимпиадада шунчаки иштирокчи эмас, балки жаҳон чемпиони сифатида қатнашасиз. Демоқчимизки, ҳар қандай рақиб жаҳон чемпионига нисбатан ҳушёрроқ, жиддий ҳозирлик кўрган ҳолда рингга чиқади.

— Тўғриси, жаҳон чемпиони бўлгач, ўзимга ишонч ортди. Агар киши ўз устида тинимсиз ишласа, ҳар қандай яхши натижага эришар экан. Тўғри, ҳали маромига етмаган услубларим, бироз хатонуқсонларим ҳам йўқ эмас. Рингда чемпионлар учун имтиёзлар йўқ! Ким кучли, маҳоратли бўлса, ўша ғалаба қозонади.

— Олимпия медаллари учун асосан қайси давлатлар вакиллари даъвогар бўлади, деб ўйлайсиз?

— Аслида олимпиадада кучсизлар қатнашмайди. Шу боис, ҳозир аниқ бир нарса дейиш қийин. Менимча, медаллар учун кураш асосан Россия, АҚШ, Куба, Украина, Франция, Қозоғистон, шунингдек, мамлакатимиз боксчилари ўртасида кечади.

Аббос Атоев жаҳон чемпионлигини қўлга киритгач, Президентимиз Фармонига мувофиқ, «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирланди. Унинг устози — Бухоро вилояти Олимпия захиралари спорт мактабининг бокс мураббийи Олим Муҳамедов «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози» фахрий унвони билан мукофотланди.

— Аббосни жаҳон чемпиони бўлган кунидан то биринчи декабргача машғулотлардан озод қилдим, — дейди унинг мураббийи Олим Муҳамедов. — Ҳатто, маълум муддат «бокс ҳақида бош қотирма» дедим. Чунки жаҳон чемпионати арафасидаги тиғиз машғулотлар уни бироз чарчатиб қўйганди. Аббос ҳозир бор вужуди билан тайёргарлик кўраяпти. У ниҳоятда камгап, камсуқум, лекин жуда меҳнатсевар ва тиришқоқ йигит. Ўз олдига қўйган мақсадига эришмагунча тиним билмайди. Олимпиадада шогирдимга осон бўлмаслиги аниқ. Чунки ҳар бир давлат вакили Аббосга қарши жиддий тайёргарлик кўради. Шу боис, биз айни чоғда янги усуллар устида ишлаяпмиз, рақибларни ўрганишга, техникамизни ўзгартиришга интилаяпмиз. Умид қиламанки, Аббос Атоев Пекин Олимпиадасида халқимиз ишончини оқлайди, Ватанимизга албатта, Олимпия медали билан қайтади.

Эркин ХОЛБОБО
суҳбатлашди.

Маданий меросни асраш ва ундан фойдаланиш бўйича Бухоро давлат инспекцияси бошлиғи Туйғун Бобоев ЮНЕСКОнинг «Марказий Осиё ва Яқин Шарқ давлатлари маданий меросини асраш» дастури доирасида ўтказилган анжуманда қатнашди.

Маданий меросни асрашда ҳамкорлик

— Анжуман ишида Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Покистон, Ҳиндистон каби мамлакатлардан мутахассислар қатнашди, — дейди Туйғун Бобоев. — Биз ЮНЕСКОнинг «Бутунжаҳон маданий меросини асраш» бўйича қабул қилинган конвенцияси талаблари бажарилишини ўргандик. Ўн учинчи ва ўн олтинчи асрлардаги Шарқ уйғониш даврига тааллуқли ёдгорликларни қайта тиклаш ва улардан фойдаланиш масаласида фикр ҳамда тўпланган тажрибаларни алмашдик. Теҳрон, Исфаҳон, Кошин шаҳридаги халқ усталарининг иши билан танишиб, уларнинг тажрибасини ўргандик. Хусусан, меъморий ёдгорликларни қайта тиклашда қўлланиладиган материалларни тайёрлаш жараёнини кузатдик. Эроникларнинг ёдгорликларни музейлаштириш ва туризмни ривожлантириш борасидаги тажрибаси эътиборимизни тортди.

Теҳрондаги форумда кўтарилган масалаларни жорий йил апрель ойида Самарқандда ўтадиган анжуманда ҳам давом эттириш ҳақида қарор қабул қилинди.

Ҳозирги кунда Бухородаги 997 та меъморий ёдгорликнинг 660 таси давлат рўйхатига олингандир. Уларни асраш ишларини янада такомиллаштириш олдимизда турган энг муҳим вазифалардир.

«Туркистон-пресс»

Тошкент шаҳар Сирғали туман ҳокимияти томонидан 2006 йил 13 декабрда Дилшод Сайфуллаевич Ширинов номига берилган ЖШ №020703 рақамли чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқи учун рухсат гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлигида рўйхатдан ўтган «JAVOHIR GULJAXON SERVIS» МЧЖ
ТУГАТИЛАДИ.
Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ойгача қабул қилинади.
Тел:144-43-05

Самарқанд вилояти Самарқанд тумани халқ таълими бўлими ва 53-мактаб жамоаси мактабга узоқ йиллар раҳбарлик қилган фидойи ва меҳрибон устоз, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи»
Аслам ТУРДИЕВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Kotibiyat 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80 236-54-12

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:
Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar:
Ikromjon ISMOILOV
Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston
Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 50
15774 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 19.40
Topshirilgan vaqti —
1 2 3 4 5 6 7
Sotuvda erkin narxda